*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
14 ноябрь
ЧОРШАНБА

№ 91
(12.519)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

**СЕМИНАР**

## КИЧИК БИЗНЕСНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

**Республика Марказий банки ва Савдо-саноат палатаси Паркент ҳамда Юқори Чирчиқ туманларида ташкил этган семинар иқтисодиётнинг турли тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш масаласига бағишланди.**



Семинарда иштирок этган банк-молия тизими вакиллари, фермер ва тадбиркорлар, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамда битирувчилари ҳар бир аниқ минтақада янги кичик бизнес корхоналари барпо этиш истиқболларини муҳокама қилдилар. Амалий мулоқотлар жараёнида мутахассислар йиғилганларга масъулияти чекланган жамият, чартер корхоналари, шунингдек, хусусий тадбиркорларни рўйхатга олиш ва имтиёзли солиқ солиш ҳақида батафсил сўзлаб бердилар.

Вилоятимизда филиаллари бор мамлакат банклари ташкил этган кўргазмада иштирокчиларга банкнинг кичик бизнесга нисбатан кредит сиёсати ҳамда кредит маҳсулотлари хусусида тўла ахборот тақдим этилди. Банклар мижозлар учун курашадилар ва шу боис ҳар бир тадбиркор билан алоҳида ишлашга, унга оёққа туриб олиши учун ёрдам беришга, компанияларнинг янада ривожланиши учун молиявий кўмаклашишга тайёр. Бизнесчилар исталган муддатга кредит ва микрокредитлардан фойдаланишлари мумкин. Масалан, Марказий банк кўрсатилаётган хизмат савиясини яхшилаш йўлида фаол ҳаракат қиляпти ва кичик бизнесни кредитлашга алоҳида эътибор қаратаяпти.

Давлат иқтисодиётининг асосий тармоқлари кенг молиялаштирилмоқда. Зеро, бу тармоқнинг гуркираб ривожланиши мамлакат келажагини белгилайди. Банк фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши тадбиркорларнинг ишлаб турган корхоналарни модернизациялаш ва янги, юқори самарадорликка эга ишлаб чиқаришларни барпо этиш, айниқса қишлоқ жойларда импорт ўрнини босувчи корхоналар очиш ва ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашдир.

Мамлакат банклари коллеж битирувчиларининг ўз бизнесчиларини очишга уринишларини ҳам қўллаб-қувватламоқда. Бир неча йилдан буён давом этаётган "Энг яхши бизнес-ғоя" кўрик-танлови айнан шу мақсадларда ташкил қилинган. Ўғил-қизлар шу танлов доирасида ўзлари ўйлаб қўйган бўлажак корхоналарини босқичма-босқич ривожлантириб бориш режаларини нуфузли жюри олдида қўлларидаги рақам ва далиллар билан исботлаб беришлари мумкин. Ҳар бир минтақанинг бизнес йўналиши бўлиб, тез орада ўзини оқлайди ва фойдага киради.

Кичик бизнес шундай амалиётки, унинг роли йилдан-йилга фақат кучайиб боради. Зеро, талаб ва эҳтиёж аҳолига хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, кичик корхоналарда илғор технологияларни жорий этиш таклифларини юзага келтиради. Натижада қўшимча иш ўринлари очилади, халқнинг турмуш фаровонлиги юксалади.

СУРАТДА: семинардан лавҳа.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

**18 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН**

## БАЙРОҒИМИЗ – МУҚАДДАС

**"Байроқ", "герб", "мадҳия" сўзларини ДАВЛАТ тушунчасидан айри тасаввур қилиш қийин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-моддасида қатъий қилиб белгилаб қўйилганидек, Давлат байроғи, Давлат герби ва Давлат мадҳияси давлат рамзлари ҳисобланади.**



1991 йилнинг 18 ноябрида қабул қилинган байроғимизда халқимизнинг хоҳиш-иродаси, ақл-салоҳияти, асрлар мобайнида топталган ғурурини қайта тиклаш кайфияти акс этган. Қачонки байроғимизни кўрсак, бошимиз узра бахт қуши соя солиб тургандек ҳис этамиз ўзимизни.

Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзларининг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида қонунлар қабул қилинганидан хабаримиз бор.

Аммо қонун қотиб қолган тушунча эмас. Замон талаблари ўзгариб, тажрибалар ортиб, мақсадлар муайянлашиб, дунёқараш янада такомиллашиб бораверади. Шу тариқа қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга эҳтиёж туғилади. Бу Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзлари тўғрисидаги қонунларга ҳам бирдай тегишли.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонунга 1999 ҳамда 2005 йиллари айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Аммо киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг сўнгисидан кейин орада ўтган беш йил мобайнида ҳам Давлат рамзлари ҳақидаги қонунларга баъзи ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга сабаб бўладиган омиллар юзага келди. Бу ҳақда оммавий ахборот воситалари орқали ҳам айрим фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда 2010 йилнинг 24 декабрида "Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунни қабул қилишга эҳтиёж туғилди. Бу қонун айни пайтида, замон талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда давлатчиликнинг сўнгги тараққиёт даражасига мос равишда қабул қилинди.

Қонуннинг 1-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар баён этилади. Бу ўзгартириш ва қўшимчалар қуйидагича бир неча тамойилга асосланади:

**1. Ифодаларни ихчамлаш.** Қонуннинг олдинги ҳолатидаги *"халқаро майдонда: Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида"* сўзлари ўрнига ихчамгина *"халқаро муносабатларда"* деган истилоҳ киритилганки, бу ифода амалда кўп нарсани қамраб олади.

**2. Ифодаларни таҳрир қилиш орқали аниқлаштириш.** Бунда 4-моддадаги *"Байроқнинг"* сўзи тўлиқ қилиб *"Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг"*, *"Янги Ой ва юлдузларнинг"* деган сўзлар *"Оқ рангли янги Ой ва ўн иккита оқ рангли беш қиррали юлдузнинг"*, *"Янги ой"* деган сўзлар *"Оқ рангли янги Ой"*, *"Юлдузлар"* деган сўз *"Ўн иккита оқ рангли беш қиррали юлдуз"* деган сўзлар билан алмаштирилган.

Амалиётда Давлат байроғидаги юлдузларни сариқ ва бошқа рангларда акс эттириш ҳолатлари учраётган эди. Бу ўзгартириш ана шундай ҳодисаларга чек қўйишни талаб этади.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддаси иккинчи қисми олдинги ҳолатида *"Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини беҳурмат қилганлик Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жазоланиши"* кўзда тутилган эди. *"Беҳурмат қилганлик"* атамаси аниқ тушунчани ифодаламай қолган ва унга айнан нималар кириши ҳам унчалик маълум эмас эди. Шунинг учун янги таҳрирда бу қуйидагича аниқ-тиниқ ифода топди:

*"Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади".*

**3. Давлат байроғининг қаерларда кўтарилиши билан боғлиқ масалаларга аниқлик ва қўшимчалар киритиш.** Бунда, жумладан, *"Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг биносида"* деган сўзлар *"Ўзбекистон Республикаси Президенти қароргоҳларининг... биноларида"* деган сўзлар билан алмаштирилди. Ёки қонуннинг олдинги ҳолатида *"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биносида"* дейилган бўлса, ҳозир бу сўзлар *"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг... биноларида"* тарзида ўзгартирилди. Шунингдек, ўзгартириш ва қўшимчалар моҳиятида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг доимий равишда айнан қандай биноларда, қандай идораларнинг мажлислар залларида, қандай мансабдор шахсларнинг хизмат хоналарида, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган байрамлар, сайлов ва референдум кунларида қаерларда, қандай маросимлар пайтида кўтарилиши аниқ-тиниқ ва батафсил қилиб белгилаб берилган. Шунингдек, қонунда *"Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи унга нисбатан лозим даражадаги ҳурмат таъминланган ҳолда умуммиллий байрамлар ва тантанали тадбирлар вақтида кўтарилиши мумкин"*лиги ҳам қайд этилди.

Агар "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддаси олдинги ҳолатида жами 9 банддан иборат бўлса, у ҳозирги ўзгартириш ва қўшимчалар билан 12 банддан иборат бўлди.

**4. Тамоман янги қоидани жорий этиш.** Хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари, бошқа расмий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши даврида кўчаларда икки давлат байроғи ҳилпирайди. Аммо "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг олдинги ҳолатида бу қайд этилмаган эди. Таҳлил этилаётган янги қонунда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддаси 7-банди сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг *"хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг, бошқа расмий делегацияларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига, дипломатик протокол қоидаларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида бўлишининг тасдиқланган дастурига мувофиқ транспорт воситаларида, вокзалларда, аэропортларда, юриш йўналиши бўйича ва бошқа ташриф объектларида"* кўтарилиши қоида қилиб киритилди. Шунга мувофиқ, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддаси 7-бандида назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг, бошқа расмий делегацияларнинг ташриф буюришидан 24 соат олдин кўтарилиши ва улар жўнаб кетганидан кейин 24 соат мобайнида тушириб қўйилиши белгиланди.

**(Давоми 2-бетда).**

**ҚОНУН ВА ИЖРО**

**Ўзбекистон Президентининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади. Бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги ҳаёти қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугунги таълим ва тарбия даражасига боғлиқ. Амалдаги қонунчиликка кўра, вояга етмаганларни тарбиялаш давлат бурчи, ота-оналарнинг конституциявий мажбуриятидир. Энг муҳими, мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида.**

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИДА

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилган қонун ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш ҳар бир давлат идорасининг устувор вазифасидир. Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг вилоят ҳудудий бўлими маҳаллий ижро этувчи ҳокимият идоралари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятида вояга етмаганларга оид қонун ҳужжатларига амал қилинишини ўрганди. Чунончи, Янгийўл тумани ва Ангрен шаҳар ҳокимликлари қошидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, тиббиёт бирлашмалари, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, руҳий-аномал гўдак болалар уйи, халқ таълими бошқармаси ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари, шунингдек, Ангрен шаҳаридаги 73-мактаб-интернат, Бўка туманидаги 15-Меҳрибонлик уйининг сўнгги бир ярим йилдаги фаолиятида вояга етмаганларга оид қонун ҳужжатларига амал қилинишининг аҳволи билан батафсил танишиб чиқилди.

Албатта, бу давлат идоралари ва муассасаларда вояга етмаганларни тарбиялашда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин текширишлар давомида муайян қонунбузилишлар, хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилаётгани аниқланди. Жумладан, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21 ва 308-311-моддалари, шунингдек, "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисида"ги низомнинг 41 ва 42-бандлари талабларига мунтазам риоя этмай келаётгани аниқланди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, бошқа тиббиёт ва махсус муассасаларда ўтказилган ўрганишлар жараёнида ҳам бир қатор қонунбузилишлар, хато ва камчиликлар борлиги таъкидланди. Масалан, ҳудудий соғлиқни сақлаш бирлашмаларида "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмаган. Хусусан, Ангрен шаҳар ва Янгийўл тумани соғлиқни сақлаш бирлашмаларида адашиб қолган, ташлаб кетилган ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни кечаю кундуз қабул қилиш ва тарбиялаш ёки хулқ-атворида нуқсони бўлган вояга етмаганларга ихтисослаштирилган ташҳис ҳамда даволаш-тиклаш ёрдами кўрсатиш йўлга қўйилмаган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг "Болаларни тарбиялашни такомиллаштиришга, соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасига асосан белгиланган вазифаларнинг ижроси таъминлангани ҳақидаги маълумотлар мавжуд эмас.

**(Давоми 3-бетда).**

**МАВСУМДА ГАЗ ТАЪМИНОТИ**

## МУАММОЛАР ВАҚТИДА ҲАЛ ЭТИЛЯПТИ

**"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси "Пискенттумангаз" филиалининг асосий вазифалари истеъмолчиларга табиий ва суюлтирилган газни бехатар етказиб бериш, хонадонлардаги газ қурилмалари ва ускуналарига техник хизмат кўрсатиш, туман газ тармоқлари фаолиятини мунтазам назорат қилиб бориш, етказиб берилган газ тўловлари вақтида ва тўла ундирилишини таъминлашдан иборат. Филиал ходимлари зиммаларидаги бу муҳим вазифаларни қай даражада уддалашаяпти?**

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири филиал раҳбари Улуғбек Парпибоев билан шу масала юзасидан суҳбатлашди.**

– Туманда яшовчи аҳоли хонадонларининг 85 фоизи табиий газ билан таъминланган, – дейди филиал раҳбари. – Истеъмолчиларнинг асосий қисмига филиалимиз хизмат кўрсатади. Филиал ҳисобида 12 минг 322 истеъмолчи бўлиб, 12 минг 19 таси хонадон, 303 таси улгуржи истеъмолчи. Қолганлари Олмалиқ шаҳри, Оққўрғон, Бўка ва Ўрта Чирчиқ филиаллари орқали табиий газ билан таъминланади.

Истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериш учун 471,2 километр узунликда қувурлар тортилган. Уларнинг 79,5 километри юқори, 107,1 километри ўрта ва 284,6 километри паст босимли.

Хонадонларга узатилаётган табиий газни босим меъёрлари бўйича тақсимлаш мақсадида жами 292 та газ тақсимлаш пунктлари ўрнатилган.

**(Давоми 2-бетда).**

## «ЯПОНИЯДА ТАЪЛИМ – 2012» КЎРГАЗМАСИ

**Тошкентда Ўзбекистон – Япония инсон ресурсларини ривожлантириш маркази ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан Япониянинг Нагоя университети ҳамкорлигида "Японияда таълим – 2012" кўргазмаси ўтказилди.**

Мазкур тадбир Япония ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 20 йиллигига бағишланди. Кўргазмада Япониянинг 9 та университетидан 30 дан ортиқ вакиллар иштирок этди. Улар тадбир қатнашчиларига ўз университети тўғрисида махсус стендлар, тақдимотлар ва ўзаро савол-жавоб мулоқотлари орқали маълумот беришди. Шунингдек, иштирокчиларга Японияда таълим олиш ҳамда имтиёзли грантларни қўлга киритиш имкониятлари тушунтирилди.

**"Туркистон-пресс".**

**"Асакабанк" Давлат акциядорлик тижорат банки фаолиятига 15 йил тўлди. Банк республика "Ахборот-рейтинг" миллий агентлигининг учинчи чорак бўйича ўтказган рейтингида "uzA+" шкаласи меъёрларига кўра барқарор деб топилди.**

## «АСАКАБАНК» – БАРҚАРОР ВА ИШОНЧЛИ

Жорий йилнинг учинчи чораги якунига кўра, "Асака" ДАТБ активлари 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 24,62 фоизга ортган ва 4 триллион 100 миллиард сўмни ташкил этди. Шунингдек, ҳисобот даврида банкнинг даромад берувчи активлари ҳам 25,1 фоиз ошган.

Республика "Ахборот-рейтинг" агентлиги таҳлилларига кўра банкнинг кредит портфели маблағларининг 58,46 фоизи ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирлган. Банкнинг бошқа даромад келтирувчи активлари ҳам 42,59 фоизга ўсган.

Ҳозирга келиб банкнинг хусусий капитали 23,58 фоизга ошган. Шу жумладан, банкнинг акциядорлик капитали ҳам 11,99 фоизга ўсиб, ҳисобот даври якунида 354 миллиард 700 миллион сўмга етди. Таъкидлаш жоизки, "Асака" ДАТБ 15 йилдан буён Ўзбекистоннинг молия бозорида самарали фаолият кўрсатиб келаётир.

**"Туркистон-пресс".**

**БУ ҲАҚДА ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИДА ГАПИРИЛДИ**

## БЕЛГИЛОВЧИ ҚУДРАТЛИ ОМИЛ

**Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш иқтисодий ривожланиш суръатларини белгиловчи омил бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Шу тамойилдан келиб чиқиб, мустақиллик йилларида "Ўзметкомбинат", "ОКМК", "Аммофос", "Максам Чирчиқ" сингари корхоналарни модернизациялаш, замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантириш, турли мулк шаклидаги янги-янги корхоналар қуриб, ишга туширишга оид йирик дастур ва лойиҳалар амалга оширилди.**

Шу йилнинг тўққиз ойида 27 миллион 4 минг АҚШ доллари ва 108 миллиард 700 миллион сўм сармоя ўзлаштирилиб, 359 та янги корхона ишга туширилди. Янгийўл туманидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи "Мастер Глобалл Плюс", Оҳангарон туманидаги каркас-панелли коттежлар ишлаб чиқарувчи "Ўзметаллинвест", Зангиота туманидаги полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Zuxai ziyo" масъулияти чекланган жамиятлари, Бўстонлиқ туманидаги кир ювиш кукуни ишлаб чиқарувчи "Лотос Голд" қўшма корхонаси шулар жумласидандир. Шундай замонавий, юқори технологияли қувватларнинг ишга туширилиши шаҳар ва туманларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатларини тезлаштириб, ички ва ташқи бозорга рақобатга бардошли, харидоргир маҳсулотлар етказиб бериш кўпайиб боришига замин яратмоқда.

Бугун вилоятимиз шаҳар ва туманларида 3925 та корхона ишлаб турибди. Улар тўққиз ойда 4 триллион 577 миллиард сўмлик турли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Бундай натижага эришилишига суръатни 114-119,6 фоизга кўтара олган Қибрай, Юқори Чирчиқ, Янгийўл туманлари ва Чирчиқ шаҳри корхоналари катта ҳисса қўшди.

Фаоллар йиғилишида ҳукумат тасдиқлаган истиқболли дастурларнинг изчил амалга оширилиши саноатнинг етакчи тармоқларидаги ишлаб чиқариш жараёнларини замонавий техника ва технологик ускуналар билан янгилаш имконини бераётгани алоҳида таъкидланди. Натижада ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқларида маҳсулот кўпайиб, сифати яхшиланяпти. Чунончи, тўққиз ойда ўсиш суръатлари машинасозлик ва металлни қайта ишлаш соҳасида 116,3, тиббиёт соҳасида 138,9, озиқ-овқат ишлаб чиқаришда 121,5, электр энергетикада 145,1 фоизни ташкил этди.

Ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишга интилиш кучайиб бораётир. Чунончи, 26 та корхонада амалга оширилган ташкилий-техник чора-тадбирлар натижасида режадагидан 56 миллиард сўмлик кўп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилди. Модернизация қилинган ва янгидан ишга туширилган 141 та корхона ҳам вилоятнинг ялпи саноат маҳсулоти кўпайишига салмоқли ҳисса қўшди. Улар қисқа фурсатда 330 миллиард сўмликка яқин қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарди.

**(Давоми 2-бетда).**

БУ ҲАҚДА ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИДА ГАПИРИЛДИ

# БЕЛГИЛОВЧИ ҚУДРАТЛИ ОМИЛ

Кўриниб турибдики, вилоятимизда саноат маҳсулотларини кўпайтиришнинг катта имкониятлари мавжуд. Фаоллар йиғилишида бу алоҳида таъкидланди. Чунончи, саноат маҳсулотларини ўтган йилга нисбатан 6,5 фоиз кўпайтиришнинг реал йўллари кўрсатиб ўтилди. Бунинг учун, аввало қабул қилинган барча дастурлар бўйича белгиланган лойиҳалар тўла бажарилиши шарт. Бу яна 142 та саноат корхонаси ишга туширилди деганидир.

Фаоллар йиғилишида иштирокчилар эътибори барча шаҳар ва туманларда башорат кўрсаткичларининг тўла-тўкис бажарилишини таъминлаш ялпи иқтисодий юксалишга эришишда қанчалик муҳим эканлигига қаратилди. Мисол тариқасида 22 та йирик саноат корхонаси башорат кўрсаткичида кўзда тутилганидан 76,3 миллиард сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқаргани айтилиб, бунинг сабаблари таҳлил қилинди, қолоқликни бартараф этиш имкониятлари теварагида фикрлашиб олинди, аниқ чора-тадбирлар белгиланди. "Ангрен Каолин", "Боу компаний ЛТД", "Медиз АГ", "Янгийўл полиграф сервис" масъулияти чекланган жамиятлари, "ЎзРосавиа", "Руббер техникал продукт", "Спентекс Тўйтепа текстил" қўшма корхоналари бу борада муайян имкониятга эга. Уларни тезроқ ишга солиш, йилни муваффақиятли якунлаш учун Ангрен ва Чирчиқ шаҳарлари, Оҳангарон, Қибрай, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл туманлари ҳокимликлари хўжалик идоралари билан ҳамжиҳат шошилинч ташкилий-техник чора-тадбирларни кўришлари, аввало, корхоналарни молиявий соғломлаштириб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари зарур.

Фаоллар йиғилишида ижро интизомига қатъий риоя қилишга нисбатан талабни кучайтиришга эътибор қаратилди. Ҳар бир раҳбар ва мутахассис ўз вазифасига муносабатда шу руҳдан келиб чиққанидагина иқтисодиётни ривожлантиришнинг 2012 йилга мўлжалланган дастур ва лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш, келгуси йилда барча қувватлар ишлаб чиқаришни барқарор давом эттириши учун зарур замин тайёрлаш мумкин. Йиғилишда белгиланган башорат кўрсаткичларини таъминламаган айрим шаҳар ва туман ҳокимлари, давлат ва хўжалик идоралари раҳбарларидан иқтисодиётнинг у ёки бу соҳаларида, янги қувватларни барпо этиш, намунавий уй-жойлар қуриш режаларини бажаришда ўтган ойларда йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф этиш юзасидан шошилинч чоралар кўриш талаб этилди.

Шундагина 2012-2015 йилларда вилоят саноатининг устувор йўналишларини ривожлантириш дастурида белгиланган режа ва вазифалар изчил бажарилишига эришилади. Ички ва ташқи бозорларда рақобатга бардошли маҳсулот ҳажми ва турларини кўпайтириб, йилни муваффақиятли якунлаш мумкин бўлади.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

18 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

# БАЙРОҒИМИЗ – МУҚАДДАС

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддаси қуйидаги мазмунга эга $5^1$ ва $5^2$-моддалар билан тўлдирилди:

*"$5^1$-модда.*

*Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилар:*

*Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемалари давлат реестри ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаво кемалари реестрига киритилган ҳаво кемаларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти ҳисобида турувчи экспериментал ҳаво кемаларига;*

*қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда автомототранспорт воситалари ва улар тиркамаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақам белгиларига;*

*Ўзбекистон Республикасининг асосий чегара белгисига қўйилади.*

*Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида предметларда, ўқув-тарбия жараёнида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларининг элементи сифатида фойдаланилиши мумкин.*

*$5^2$-модда.*

*Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг элементларини нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмайди.*

*Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас.*

*Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига ўхшаш бўлиши мумкин эмас".*

Ҳозир мамлакатимиз автомобиллари давлат рақамларига Давлат байроғи акси туширилган. Ушбу қонун билан бу ҳуқуқий асосга эга бўлди.

Давлат байроғини суиистеъмол қилиш, унинг унсурларини нодавлат ташкилотлар ҳужжатлари (бланка, гувоҳномаларнинг реквизитлари ёки реклама материаллари)га киритиш мумкин эмас. Чунки демократик жамиятда давлат ташкилоти билан нодавлат ташкилот бир-биридан кескин фарқланади, яъни нодавлат ташкилотларга давлат номидан иш юритиш ҳуқуқи берилмайди. Модомики шундай экан, нодавлат ташкилотлар бланкалари ва бошқа реквизитларида (жумладан, ходимларга бериладиган гувоҳномаларда) Давлат байроғи акс этиши қонунга хилоф ҳисобланади.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг олдинги ҳолатида бу қатъий қоида акс этмаган эди. Киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ана шундай ўзбошимчаликларга чек қўйиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**5. Қонун ижросини таъминлаш устидан назорат қилиш тартибига ўзгартириш киритиш.** "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг 11-моддаси олдинги ҳолати бўйича, *"Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар биноларида кўтариш чоғида ушбу қонунда баён этилган талабларга риоя қилиниши учун масъулият уларнинг раҳбарлари зиммасига, байроқ тураржой биноларида кўтарилган вақтда эса уларнинг эгалари ёки уйлардан фойдаланишни ташкил этиш топширилган мансабдор шахслар зиммасига"* юклатилган эди. Таҳлил этилаётган қонунда бу модда қуйидагича муайянлаштирилди:

*"Ушбу Қонун ижросини таъминлаш тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилади".*

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддаси олдинги ҳолати бўйича, *"ушбу қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиб бориш вилоят, туман ва шаҳарларнинг ҳокимларига ва Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия ваколатхоналарига"* юклатилган эди. Таҳлил этилаётган қонунда бу модда ҳам ниҳоятда аниқлаштирилди:

*"Ушбу Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари томонидан ижро этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши устидан назорат эса ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади".*

Хуллас, Давлат рамзлари – худди она Ватан каби азиз ва муқаддас. Уларда халқнинг тарихи, бугуни ва келажаги ифода этилган. Рамзлар ва тимсоллар ҳамма вақт ҳам миллий ғурур, фидойилик ва ватанпарварликни шакллантиришда энг муҳим воситалар ҳисобланиб келган. Рамзлар ва тимсоллар – халқнинг тарихи, руҳияти, анъаналари билан чамбарчас боғлиқ.

**Султонмурод ОЛИМ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Мамлакатимизнинг барча жойида бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам 2012-2013 йиллар қиш-баҳор ойлари учун мева-сабзавот маҳсулотлари захирасини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

## МАҲСУЛОТЛАР ЗАХИРАСИ

– Жорий мавсум учун вилоятимиз бўйича 71 минг тонна мева-сабзавот, картошка, пиёз, сабзи ва бошқа асосий турдаги маҳсулотларни ғамлаш белгиланган. Ҳозиргача 63 минг тоннадан ортиқ ана шундай маҳсулотлар жамғарилди, – дейди Тошкент вилояти ҳокимлигининг иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Анвар Абдуқодиров. – Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Мақсадимиз қиш ва баҳор ойлари бозорларимизда нарх-наво асоссиз ошиб кетишининг олдини олиш, шу даврда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан узлуксиз ва кафолатли таъминлашдан иборатдир.

Маълумки, боғ ва далаларимиздан йиғиб-териб олинаётган мева-сабзавотларни сифатли сақлаш муҳим аҳамиятга эга. Вилоятда бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мавжуд замонавий совутиш камераларидан самарали фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилмоқда, янгиларини қуриш, эскиларини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелда қабул қилинган "2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, вилоятда ўтган йили маҳсулот сиғими 13,9 минг тоннани ташкил этадиган ўнга яқин совутиш камералари ишга туширилди. Бундай совутиш камераларидан самарали фойдаланиб келаётган фермерларнинг айтишича, уларда сақланган маҳсулотнинг сифати бузилмайди, мева-сабзавот таркибидаги витаминлар йўқолмайди.

Айни кунда вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган ўттиз учта шундай совутиш камераси бўлиб, уларнинг маҳсулот сиғими 31,1 минг тоннани ташкил этади. Бу ерда қиш-баҳор ойлари учун жамғариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳаммаси ана шу камераларга сиғмайди. Уларда асосан узум, олма каби нисбатан тез бузиладиган мева-сабзавотлар сақланади.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## БУРСИКО ЛОЙИҲАСИ ТАҚДИМОТИ

**Тошкентда "Маркетинг, реклама ва ПР" II Халқаро форуми доирасида реклама роликларининг дунёдаги энг катта коллекцияси соҳиби Жан Мари Бурсиконинг "Рекламахўрлар оқшоми" лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтди.**

Бугунги кунда лойиҳа уч бўлимли реклама роликларидан иборат бўлиб, дунёнинг кўпгина давлатларида намойиш этилмоқда. "Рекламахўрлар оқшоми" лойиҳаси доирасида ўтган йиллар давомида томошабинларга "Аёл ва автомобиль", "Реклама ва кинематограф", "Хитой рекламаси" ва бошқа дастурлар тақдим этилган.

Ж. Бурсиконинг коллекцияси дунёнинг турли давлатларидан келтирилган ажойиб рекламалар билан бойиб бормоқда. 2012 йил дастурида синематека соҳиби асосий ўринни Буюк Британияда ишлаб чиқарилган видеороликларга ажратди.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган тадбирда намойиш этилган роликлар "Маркетинг, реклама ва ПР" II Тошкент Халқаро Форуми иштирокчиларига хориж рекламаси маҳсулотлари тақдим этилди. Тадбир ташкилотчиларининг таъкидлашича, мазкур тақдимот Ўзбекистонда нафақат реклама бизнесини ривожлантириш, балки рекламага бўлган муносабатни ижобий томонга ўзгартиришга хизмат қилади. Шунингдек, Жан Мари Бурсико коллекцияси тез орада миллий рекламамиз намуналари билан бойитилиши кутилмоқда.

**"Туркистон-пресс".**

ТЕЖАМКОРЛИК

**Пискент туманида "Ўздавнефтгазинспекция" вилоят бўлими "Кучлик нефть базаси" унитар корхонасига қарашли ёнилғи тарқатиш шохобчалари раҳбарлари ҳамда фермер хўжаликлари вакиллари иштирокида ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, технологик жиҳатдан тўғри тасарруф этиш ва тежаш мавзусида семинар ўтказди.**

# ТЕХНИКА СОЗ – ХАРАЖАТ ОЗ

Йиғилишда таъкидландики, агротехник тадбирларни ташкил этишда нефть маҳсулотларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда тежаш шу куннинг муҳим талабларидан биридир. Куз-қиш мавсумининг бошланиши муносабати билан ёнилғи тарқатиш шохобчаларидаги техник-метрологик ҳолатларга эътибор бериш, кузги шудгор жараёнининг узлуксизлигини таъминлашда нефть маҳсулотларини белгиланган тартиб ва миқдорда етказиб бериш, айниқса, муҳимдир. Бунинг учун муқобил ёнилғи турларидан фойдаланиш лозим.



Таҳлиллардан кўриш мумкинки, сўнгги вақтларда қишлоқ хўжалигидаги механизациялашган ишлар тез кўпайиб бораётгани сабабли энергетика воситаларига талаб янада ошмоқда. Агар йиллик сарфланаётган ёнилғи-мойлаш ашёларининг бир фоизи иқтисод қилинса, республика миқёсида тонналаб ёқилғи ва миллионлаб маблағ тежалади.

– Маълумки, ёнилғиларни идишларда сақлашда ҳам йўқотишлар юз беради, – дейди инспекциянинг етакчи мутахассиси Жамол Салимов. – Масалан, бир йилда 70 дан 140 килограммгача ёқилғи йўқотилади. Шунинг учун уларни тўлатилмаган идишларда сақлаш ман этилади. Бир идишни тўлиқ ишлатиб бўлиб, сўнгра иккинчи идишдаги ёнилғини сарфлашга ўтиш мақсадга мувофиқ. Ёнилғи маҳсулотлари буғланганда, таркибидаги енгил ўт олдириш фракциялари ҳам учиб кетади ва детонация турғунлиги пасаяди. Двигателни ўт олдиришни ёмонлаштиради ва деталларнинг емирилишига сабаб бўлади. Бундай ёнилғини ишлатиш двигателларни 100 фоиз ишлатиш имкониятини карбюраторларда 83 фоизга, дизель форсункаларида эса 58 фоизгача тушириб юборади.

Тракторларга далаларда ёнилғи қуйиш чоғида носоз қурилмалардан фойдаланилса, ёнилғи 1,2 фоизгача исроф бўлади, челак ёки очиқ мосламалар билан қуйилганда эса 3,4 бараварга етади.

Умуман, трактор ва автомобилларда уқувсизлик натижасида 10 фоиздан кўпроқ ёнилғи-мойлаш ашёлари йўқотилади. Бу эса республика миқёсида жуда катта иқтисодий йўқотишларга сабаб бўлади.

Кўп ҳолларда ёнилғи сарфининг кўпайиб кетишига носоз агрегат ва мослама ёки ростланмаган ускуналардан фойдаланиш ҳам сабаб бўлади. Далаларда ишлатилаётган ускуналарнинг ўтмаслашиши оқибатида ёнилғи сарфи 30 фоизгача ортади. Агар плуг тракторга нотўғри тақилса, бунинг устига қирқиш қирралари қалинлиги 5 мм. атрофида бўлса, ёнилғи сарфи 40-50 фоизгача кўпайиб кетади. Ишлов тракторлари йил бўйи тўлиқ ишламаса (қувватнинг 65-75 фоизини ташкил этса), ёнилғи сарфи 10 фоиз ортади.

Семинардаги таҳлиллардан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, далаларда ишлатилаётган техникалар доимо соз бўлиши ва техник талаблар даражасида ишлатилиши зарур. Акс ҳолда фермер ва деҳқонлар ёнилғини исроф қилишлари натижасида ўзлари ва ўзгаларга ҳам иқтисодий зарар келтирадилар.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

МАВСУМДА ГАЗ ТАЪМИНОТИ

# МУАММОЛАР ВАҚТИДА ҲАЛ ЭТИЛЯПТИ

**– Ҳадемай қиш фасли бошланади. Ушбу мавсумга тайёргарликнинг бориши қандай?**

– Юртбошимизнинг "Республика иқтисодиёт тармоқларини 2012-2013 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш тўғрисида"ги, шунингдек, вилоят ва туман ҳокимликларининг қарорларида ушбу муҳим вазифани бекаму кўст бажариш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилган. Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида филиалнинг ички буйруғига мувофиқ зарур чора-тадбирлар тузилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Газ тармоқлари ва қурилмалари қишда барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида 471,2 километр узунликдаги қувурлар ҳамда улардаги газ босимини истеъмолчиларга маромида тақсимлашни кўзлаб ўрнатилган 292 та газ тақсимлаш пунктлари техник тафтишдан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди. Чунончи, иккита газ тақсимлаш пункти мукаммал таъмирланди, биттаси реконструкция қилинди. 79,5 километр узунликдаги қувурлар ҳаво ёрдамида тозаланди ва босимга чидамлилиги синаб кўрилди. 6,6 километр узунликдаги қувурлар бўялди. 22,3 километр масофага чўзилган ерости қувурларининг ҳолати махсус асбоблар ёрдамида текшириб чиқилди. Бундан ташқари, 12 минг 560 та хонадондаги иситиш тизими дудбуронларининг соз-носозлиги хусусида "Ихтиёрий ўт ўчириш жамияти"дан маълумотнома олинди.

**– Дарвоқе, республика Президентининг "2011-2012 йилларда Тошкент вилояти Пискент туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори эълон қилинган эди. Унинг аҳолини табиий газ билан таъминлашга оид қисми қандай бажарилди?**

– Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарорида 2012 йилда узоқ вақтдан буён фойдаланишда бўлган 22 километрли газ қувурларини мукаммал таъмирлаш назарда тутилган эди. Шу асосда Келовчи қишлоғида 17,8 километр, Кориз қишлоғида 3,2, Муродали қишлоғида бир километр узунликдаги қувурлар таъмири бўйича "Ўзгазлойиҳа" институти лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаши учун топография-геодезия ишлари олиб борилди. Ҳозирга қадар "Саид-Муродали" линиясида бир километр узунликдаги қувурлар таъмирланмоқда.

2012-2013 йил куз-қиш мавсумида аҳоли ҳамда ижтимоий соҳа объектларини табиий газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида Олмалиқ шаҳри, Бўка, Оққўрғон туманлари газ тақсимлаш станциялари ҳамда туманлараро газ уланмалари тегишли босимда газ етказиб бериши юзасидан "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонасига мурожаат билан чиқилди.

Бундан ташқари, 2011-2012 йил мавсумида газ етарли бўлмаган ҳудудлар рўйхати тузилиб, хонадонлар, ижтимоий-иқтисодий объектлар куз-қиш мавсумида қўшимча 380,3 тонна суюлтирилган газ, 1064,5 тонна кўмир захираси ҳақидаги маълумотлар жамламаси туман ҳокимлиги ҳамда "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонасига тақдим этилди. Шунингдек, газ танқислиги кутилаётган ҳудудларда маҳалла фаоллари ва фуқаролар иштирокида йиғилишлар ўтказилиб, захира ёқилғиси тайёрлаб, фойдаланиш ҳақида тушунтиришлар берилди.

**– Келтирган далилларингизга асосланиб, бу мавсум газ таъминотида жиддий муаммоларга дуч келинмайди дея хулоса чиқарса бўладими ёки...**

– Газ таъминотида оз бўлсада муаммолар доимо бўлган, бундан буён ҳам учраб туриши табиий ҳол. Гап уларни вақтида аниқлаш ва тезроқ бартараф этишда.

Кейинги йилларда газ тақсимлаш станциялари ҳамда Олмалиқ газ тақсимлаш шахобчаси, Оққўрғон ва Бўка туманлараро газ уланмаларидан тарқатилаётган табиий газ босими меъёрида эмаслиги оқибатида Пискент шаҳри ва қишлоқлардаги бир нечта кўчада газ танқислиги сезилиб, муаммолар юзага келмоқда. Уларни ҳал қилиш мақсадида юқоридаги газ тақсимлаш станциялари ва туманлараро уланмаларда чиқиш босимини белгиланган меъёрга келтириш юзасидан "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонасига мурожаат қилинди.

Пискент шаҳри "Янгиобод" маҳалласидаги 471 та хонадоннинг табиий газ таъминотини яхшилаш учун 2,4 километр узунликдаги юқори босимли қувурни ўрта босимлисига ҳалқалаш ҳамда битта юқори босимли газ тақсимлаш шахобчасини ўрнатиш таклифи юзасидан лойиҳа тайёрланмоқда. Шунингдек, "Бекобод", "Мўминобод" маҳаллаларидаги 800 дан зиёд хонадоннинг газ таъминотини тартибга келтириш мақсадида 500 метр масофадаги Д-102 мм. ва Д-320 мм.ли ўрта босимли қувурларни ҳалқалаш режалаштирилди.

"Бирлик" маҳалласидаги 172 та хонадоннинг газ таъминотини яхшилашдан ташқари 60 та янги хонадонга газ келтириш учун 1,1 километр узунликдаги Д-114 мм.ли ўрта босимли қувурларни реконструкция қилиш ҳамда 4 та газ тақсимлаш пункти ўрнатиш таклифи маъқулланиб, лойиҳа тузилмоқда. Якалов ва Чимқўрғон қишлоқларида 4,2 километр узунликдаги ерости қувурларини реконструкция қилиш юзасидан тайёрланган ҳужжатлар "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонасининг 2013 йил қурилиш дастурига киритиш учун тақдим этилди.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ**
**суҳбатлашди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

ТАДБИР

**Республика Савдо-саноат палатасида "Ўзбекистон Ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми жамоатчилик кенгаши – ижтимоий шериклик шакли" мавзусида вебинар бўлиб ўтди.**

# ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ШАКЛИ

Республика ва ҳудудий жамоатчилик кенгашлари ўртасида видеоконференция тарзида ташкил этилган тадбирда "Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми" жамоатчилик кенгаши доирасига кирган Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вилоятлардаги шу каби ҳудудий жамоатчилик кенгашлари аъзолари иштирок этди.

Видеоанжуманда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг 39-бандига мувофиқ кам таъминланган оила ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида ташкил этилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш ахборот марказлари ишлари муҳокама қилинди.

Жамоатчилик кенгаши йиғилишини айнан видеоконференция тарзида ўтказишдан мақсад ҳудудлардаги фаол фуқаролар ташаббусларини қўллаб-қувватлайдиган ҳудудий жамоатчилик кенгашлари ишини янада яхшилаш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишдир.

Бугунги кунда ижтимоий шериклик ва ижтимоий масъулият тушунчалари жамиятимиз фаолиятига жадал ва чуқур кириб бораяпти. Айнан шу тушунчаларни амалда рўёбга чиқариш, ижтимоий масъул фуқаролар билан нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасида мустаҳкам алоқа тизимини шакллантириш ва ҳар икки томон кучларини бирлаштириб, ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш йўли билан жамият тараққиётини таъминлаш мақсадида Жамоатчилик кенгаши раиси Гулнора Каримова ташаббуси билан "Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми" вужудга келди. Ушбу ташаббуснинг асосий ғояси иқтисодиётнинг энг таъсирчан кучи бўлмиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари ҳамда ташаббускор фуқароларнинг ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашишдир.

Ҳозирги кунга келиб, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, Савдо-саноат палатаси, Касаба уюшмалари федерацияси, ҳокимликлар ва бошқа ҳамкор ташкилотларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари ёрдамида 301 та ижтимоий аҳамиятга эга бизнес-лойиҳа ва 125 та ижтимоий лойиҳа амалга оширилмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

## ГАП АҲИЛЛИКДА

**Юртимизда ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун кўп ишлар қилинмоқда. Буни Оҳангарон шаҳридаги "Олмасувон" ширкати ҳудудида болалар спорт комплекси қурилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.**

– Ҳамма гап аҳилликда, – дейди "Олмасувон" ширкати раиси Дониёр Толлибоев. – Боиси, биттадан футбол, баскетбол, волейбол майдонлари ва иккита теннис корти қурилиши ҳашар йўли билан битирилди.

**Бахтиёр ШАВКАТОВ.**

# ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЙЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги "Ҳар йили ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан шу йилнинг 20 ноябридан 20 декабрига қадар республика ҳудудларида ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилади.**

Ойликнинг асосий вазифалари иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Вилоятимизнинг барча фуқаролари, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиб, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан кўрсатилган барча камчиликларни ўз вақтида бартараф этадилар деб ишонамиз.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш орқали Сиз ёнғин чиқишини бартараф этган, давлат ва шахсий мол-мулкингизни, ўзингиз ва атрофингиздаги одамлар ҳаётини асраб қолган бўласиз.

Ҳурматли фуқаролар!

Ёнғин хавфсизлиги ойлигида фаол иштирок этинг.

**Вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси.**

**Жорий йилнинг 12-16 ноябрь кунлари Тошкент вилоятида "Dilemma" VI Республика дискуссион форуми бўлиб ўтади.**

# «DILEMMA» ФОРУМИ

Тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури, Сиёсий тадқиқотлар маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

"Dilemma" Республика форуми ўзбек, рус ва инглиз тилларида бўлиб ўтади. Иштирокчиларни саралаш ҳудудий дискуссион клублар фаолияти натижасида ҳамда "Dilemma" клубининг вилоят босқичлари орқали амалга оширилган. Саралаш босқичлари жорий йилнинг 26 мартидан 24 апрелига қадар ўтказилган "Биз – бир жамоа" акцияси доирасида ташкил этилган эди. Республика босқичида 14 та жамоа ўзаро ғолиблик учун курашади. Турнирнинг финал босқичи 16 ноябрь куни пойтахтдаги Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтади.

"Dilemma" форумини фақат нотиқлар минбари деб бўлмайди. Ушбу лойиҳа ёшларнинг ғоя ва ташаббусларини амалга оширишга хизмат қилади.

**"Туркистон-пресс".**

ҚОНУН ВА ИЖРО

# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИДА

Вояга етмаганлар таълим-тарбияси ва уларнинг жисмоний, маънавий жиҳатдан камол топишида халқ таълими ва ўқитувчи-мураббийларнинг ўрни беқиёсдир. Афсуски, вилоят халқ таълими муассасаларида вояга етмаганларга оид қонун ҳужжатларига риоя этилишининг аҳволи ўрганилганда, айрим ҳолатларда юқоридаги вазифалар ижросига масъулиятсизлик билан ёндошилгани аниқланди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган "Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онаси қаровсиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақида"ги низом талабларига риоя этиш чоралари кўрилмаган. Ҳолбуки, ота-она қаровсиз қолган болалар аниқланган тақдирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, фуқаролик ишлари бўйича судлар, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, соғлиқни сақлаш муассасалари етти кун мобайнида васийлик ва ҳомийлик идорасига тегишли далолатнома ва маълумотни етказишлари керак. Бироқ, ангренлик вояга етмаганлар О. Самадова билан Н. Самадова ҳамда Р. Хаитованинг оналари вафот этиб, қаровсиз қолганлари ҳақида маълумотларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ўқув муассасалари мансабдор шахслари васийлик ва ҳомийлик идорасига етказмаганлар. Белгиланган муддатда шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими эса уларга нисбатан кодекснинг 471-моддаси бўйича қонуний чора кўриш юзасидан тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, судга юбориш чораларини кўрмаган.

Ангрен шаҳридаги 73-мактаб-интернатнинг фаолиятида ҳам қатор қонунбузилиш ҳолатлари ва хато-камчиликлар аниқланди. Жумладан, вилоят халқ таълими бошқармаси тасдиқлаган ва Ангрен шаҳар ҳокимлигида давлат рўйхатига олинган мактаб-интернатнинг уставига киритилган қоидалар таҳлил этилганда, уларнинг айрим меъёрлари "Санаторий туридаги ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари тўғрисида"ги низомга тўлиқ мувофиқлаштирилмагани маълум бўлди. Чунончи, Низомнинг 13-бандида ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқувчилар сони 250 нафардан ошмаслиги кераклиги қатъий белгиланган. Лекин мактаб-интернатнинг уставида ушбу қоида акс этмаган.

Бундан ташқари, интернат тарбияланувчиларининг яшаш шароитлари амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга жавоб бермайди. Хусусан, интернатнинг сузиш ҳавзаси капитал таъмирдан тўлиқ чиқарилмаган, муассаса деворининг бир қисми бузилган.

Назорат тадбирлари натижасида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш мақсадида ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш бўйича 6 та таклиф ишлаб чиқилди. Шунга асосан вилоят адлия бошқармаси давлат идоралари раҳбарларига 3 та тақдимнома ва 3 та ёзма кўрсатма киритди. Натижада икки мансабдор ходим маъмурий ва 21 нафари интизомий жавобгарликка тортилди.

Вояга етмаганларни замон талаблари даражасида тарбиялаш, таълим бериш ва уларнинг соғлигини ҳимоя қилиш мамлакатимизнинг келажагини, эл-юртимизнинг эртанги фаровонлигини белгиловчи устувор вазифалардан биридир. Бу борада қонун устуворлигини таъминлаш эса, сизу бизнинг асосий бурчимиздир.

**Шухрат МИРЗАЕВ,**
**Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг вилоят ҳудудий бўлими етакчи маслаҳатчиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

САЛОМАТЛИК

# СОҒЛИК – ЭНГ КАТТА БОЙЛИК



**Юқори Чирчиқ тумани кўп тармоқли марказий тиббиёт бирлашмаси ҳамиша одамлар билан гавжум. Лекин уларнинг ҳаммасини ҳам бемор деб бўлмайди. Кўпчилик, ўз саломатликлари ҳақида олдиндан қайғуриб, ташҳис қўювчи шифокор қабулига келган. Бу бежиз эмас. Бирлашмада юқори малакали мутахассислар, қўли енгил ҳамширалар меҳнат қилади.**

– Шифохонамиз 20 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади, – дейди бирлашма раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Сайёра Баратова. – Тиббиёт бирлашмамиз "Саломатлик – 1", "Саломатлик – 2" лойиҳалари асосида замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Бирлашма биноси келгуси йили режа асосида тўлиқ қайта таъмирланади. Демак, аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат янада яхшиланади.

Албатта, 47 шифокор, 116 ҳамшира ва 25 ходимадан иборат жамоа айниқса, оналар ва болалар, фертил ёшидаги аёлларга алоҳида эътибор қаратади.

Туманда оналар ва болалар ўлимининг камайганлиги, ўртача умр кўриш ёши ортганлиги фикримиз исботи.

**Саида РАҲМОНОВА.**
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

## ҲАМКОРЛАР ФОРУМИ

**Тошкентда ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши кураш борасида фаолият юритаётган ҳамкор ташкилотлар форуми бўлиб ўтди.**

Форумда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ОИТСга қарши кураш маркази, БМТТД, ЮНЭЙДС халқаро ташкилотлари, ННТ ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Форум БМТ Тараққиёт Дастурининг ОИВ(орттирилган иммунитет вируси)га қарши кураш бўйича лойиҳасини амалга ошириш доирасидаги ишлар таҳлилига бағишланди. Унда ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши курашда фуқаролик жамиятининг ўрни ва вазифалари ҳамда ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни юксалтириш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда ОИВ эпидемиясининг тарқалишига қарши кураш самараси ҳамда муваффақияти давлат, жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шериклик асосида келишиб фаолият юритишига боғлиқлиги таъкидланди.

**"Туркистон-пресс".**

**Мамлакатимизда 1 ноябрдан 30 ноябргача қандли диабетга қарши кураш ва ундан аҳолини муҳофаза қилиш ойлиги ўтказилмоқда.**

**Ҳозирги вақтда дунё аҳолисининг 360 миллиондан ортиғи қандли диабетдан азият чекмоқда. Бу касалликнинг йилдан-йилга кўпаяётганлиги дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда.**

## НОИНФЕКЦИОН ЭПИДЕМИЯ

– Статистика маълумотларига кўра, Ўзбекистонда қандли диабетнинг аҳоли ўртасида тарқалганлик даражаси 5 фоиз бўлиб, 12 мингга яқин бемор диспансер рўйхатида туради, – дейди Республика ихтисослашган эндокринология илмий-амалий маркази бош шифокори Саид Исмоилов. – Уларнинг 2 мингга яқинини болалар ва ўсмирлар ташкил этади. Бироқ қандли диабетга чалинган фуқароларнинг аксарияти ўз вақтида аниқланмай, ҳисобга олинмай қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қандли диабет – XXI асрнинг ноинфекцион эпидемияси деб эълон қилинган. Агар бу борада самарали ва тезкор чора-тадбирлар кўрилмаса, 25 йилдан сўнг дунё аҳолисининг олтидан бир қисми, XXI аср ўрталарига келиб эса ҳар иккита инсондан бири қандли диабет касаллигидан азият чекиши мумкин.

Соҳа ходимларининг таъкидлашича, қандли диабетнинг келиб чиқишига аввало генетик мойиллик, қолаверса, носоғлом турмуш тарзи, кам ҳаракатланиш ва ортиқча овқат истеъмол қилиш сабаб бўлади. Шунинг учун бу касалликдан сақланиш ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ.

**Манзура БЕКЧОНОВА, "Туркистон-пресс".**

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

# ЯНГИ ВЕБ-САЙТ

**Республика Хотин-қизлар қўмитаси анжумани олдидан шаҳар ва туманларда ўтказилаётган ҳисобот-сайлов йиғилишлари айни қизғин паллада. Шу кунгача мамлакатимизнинг 106 та туман, шаҳар хотин-қизлари фаолиятига бағишланган конференциялар бўлиб ўтди.**

Ушбу жараёнларни оммавий ахборот воситалари орқали кузатиб боришни изчиллаштириш, тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириш, хотин-қизлар қўмитаси муассислигида чоп этилаётган газета ва журналлар иштирокини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси семинар уюштирди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган мухбирлар, хотин-қизлар қўмитаси мутахассислари иштирок этди.

Конференциялар эришилган ютуқларни эътироф этиш билан бирга ижтимоий ҳаёт, маънавий муҳит билан боғлиқ муаммолар хусусида фикрлашиш, танқидий-таҳлилий руҳда, ижтимоий шериклик тамойиллари асосида, давлат ва жамоат ташкилотларининг мустаҳкам ҳамкорлигида ўтказилиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, хотин-қизлар қўмитасининг янги веб-сайти ташкил этилгани, унда қўмиталар ва хотин-қизлар фаолиятига доир батафсил маълумотлар акс этиши учун ҳамма ўз ҳиссасини қўшиши мумкинлиги тушунтирилди, веб-сайт слайдлар орқали намойиш этилди.

**Сайёра РИХСИЕВА.**

## ҲИСОБОТЛАР – ЭЛЕКТРОН КЎРИНИШДА

**Айни вақтда 34 та давлат статистика ҳисоботи шакллари, шу жумладан, микрофирма ва кичик корхоналарнинг ҳисоботлари давлат статистика органларига Э-стат электрон тизими орқали тақдим этилмоқда.**

Сўнгги вақтларда электрон ҳисоботи қулайликларидан фойдаланаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони кескин ортмоқда. Агар 2012 йил биринчи чорак якунида республика бўйича фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг 3412 таси ёки 2,3 фоизи электрон кўринишда ҳисобот топширган бўлса, ярим йиллик якуни бўйича бу кўрсаткич 21150 тани – 15 фоиз, 9 ойлик якуни бўйича эса 40250 тани – 24 фоиздан ортиқни ташкил этди.

**"Туркистон-пресс".**

# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР





Тошкент вилояти «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонасида республика ҳамда маҳаллий нашрларга 2013 йил обуна мавсуми давом этмоқда.

ОБУНАГА КЎМАКЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ

вилоятнинг барча туманларида филиаллари мавжуд.

| | |
|---|---|
| Вилоят обуна бўлими: | 8-370-233-13-04 |
| Ангрен шаҳар филиали: | +998909018188 |
| Бекобод шаҳар филиали: | +998909592863 |
| Бекобод туман филиали: | +998935978107 |
| Бўстонлиқ туман филиали: | +998933790791 |
| Зангиота туман филиали: | +998909764793 |
| Олмалиқ шаҳар филиали: | +998909336608 |
| Оҳангарон туман филиали: | +998935082299 |
| Ўрта Чирчиқ туман филиали: | +998903531614 |
| Чиноз туман филиали: | 8-370-59-31-331 |
| Чирчиқ шаҳар филиали: | +998944025333 |
| Юқори Чирчиқ туман филиали: | +998935087267 |
| Пискент туман филиали: | +998936197733 |
| Қибрай туман филиали: | +998936138316 |
| Янгийўл туман филиали: | 8-370-60-22-034 |

Гувоҳнома № 000690.


Тошкент Давлат техника университети томонидан 1991 йилда Абдирахмонов Абдихамжон Абдисаломович номига берилган ФВ № 928217 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "ELIF-DAR" (ИНН 301496498), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского района г. Ташкента расположенное по адресу: ул. Шайх-Заде-1-А **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 10.11.2012 г.). Претензии принимаются в течении двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 903-50-14.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 04.01.2011 йилда № 004770 гувоҳнома рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 301247822) "GULDOR-KAPALAK 181-SON DAVLAT MAKTABGACHA TA`LIM MUASSASASI"га тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамға йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЧП "ALEKSANDRIYA-LUX" (ИНН 300676400), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента расположенное по адресу: Чиланзар-19, д. 5-А, кв. 1 **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 13.11.2012 г.). Претензии принимаются в течении двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 926-48-54.

ЧП "MURUVVAT DENTA SERVIS" (ИНН 302179867), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского района г. Ташкента расположенное по адресу: ул. Тукимачи, д. 39 **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 12.11.2012 г.). Претензии принимаются в течении двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 384-37-38.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "MOBILE AND SPORTIVE" МЧЖ қошида ташкил этилган Чилонзор тумани, Чилонзор 6-даҳаси, 6/1-уйда жойлашган "STAR MED CENTER" (ИНН 207154842, ОКПО 24085449) шўъба корхонаси "MOBILE AND SPORTIVE" МЧЖ таъсисчиларининг умумий йиғилиши баённомаси ва жамият директорининг 2012 йил 1 ноябрдаги 7-сонли қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ:** Даъволар икки ой давомида 273-75-65 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

**«REAL AUKSION» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Оққўрғон тумани Суд ижрочилари бўлимининг 2012 йил 8 ноябрдаги 12-сонли ариза (буюртма)сига асосан: савдога Оққўрғон тумани СИБ томонидан, 2012 йил 9 октябрдаги № 1-220-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ИИБ АМТФКНМБ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 S 661 DA бўлган, "Матиз" русумли, техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 9 236 417 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 17 декабрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "REAL AUKSION" МЧЖнинг ХЁАТБ "HI-TECH BANK"даги қуйидаги махсус аукцион ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 29801000904996600001, МФО 01066, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-11, 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795.


ДИҚҚАТ!

**«Солиқ ва божхона хабарлари» + «Норма маслаҳатчи» газеталари комплектига 2013 йил учун обуна давом этмоқда**

**«Солиқ ва божхона хабарлари» + «Норма маслаҳатчи»** газеталари комплектига 20 декабргача йиллик обуна бўлган ҳар бир обуначи қуйидаги совғаларни олиш имкониятига эга бўлади:

1 **«Моҳир тахлам»** маълумотлар базасига кириш. Унда «Солиқ ва божхона хабарлари» ҳамда «Норма маслаҳатчи» газеталарининг электрон версиялари мавжуд бўлиб, муҳим материаллар тизимлаштирилган. «Моҳир тахлам» Интернет орқали ҳар ҳафтада янгилаб борилади.

2 **Учта совғабоп рисола.** Рисолалардаги қимматли ахборотлар ўқувчиларимиз учун фойдалидир.

3 Бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш ва бизнес ишини юритишнинг ҳуқуқий асосларига доир масалалар бўйича **бевосита мулоқот ўрнатиш**. Экспертларимиз обуначиларнинг саволларига телефон орқали бепул жавоб беришади.

4 **Дисконт дастурида иштирок этиш:**
– **«NORMAльная карта»** – у 2013 йил давомида иш, рўзғор ва оила учун зарур бўлган кенг турдаги товарларни дисконт дастурининг ҳамкори бўлмиш ташкилотлардан 3 фоиздан 30 фоизгача чегирмалар билан харид қилиш, турли хизматлардан худди шундай чегирма билан баҳраманд бўлиш имконини беради.
– **«restoran.uz»** дисконт картаси – 2013 йил давомида дисконт дастурининг ҳамкори бўлмиш Тошкент шаҳридаги кафе ва ресторанларда 5 фоиздан 30 фоизгача чегирмалар олиш имконини беради.
– **«Дисконтбук»**. Бу дафтарчадаги қирқиб олинувчи чегирмали купон тақдим этилганда, Тошкент шаҳридаги бир қатор дисконт дастурининг ҳамкори бўлмиш ташкилотлар иш, рўзғор ва оила учун зарур бўлган ўз маҳсулотлари ва хизматлари учун тўлов қабул қилганда 5 фоиздан 30 фоизгача чегирма тақдим этадилар. Купонли дафтарчалар йил давомида бир неча марта, турли хил мазмунда чиқарилади.

5 **«Norma» нашриётининг китобларига 5 дан 30%гача чегирма.**

6 **«Мой город. Ташкент» маълумотнома бизнес-картаси.** 11 000 дан ортиқ ташкилот ва улар фаолияти йўналиши ҳақида ахборотни ўз ичига олади, Тошкент шаҳрининг электрон харитасида ташкилотларнинг жойлашувини кўрсатади. Номланиш, муҳим сўзлар, манзил ва телефон рақами орқали тезкор ва қулай излашни таъминлайди.

7 **«YELLOW PAGES Uzbekistan» – 2012/2013 маълумотномаси.** Унда бутун Ўзбекистон бўйича корхоналар, ташкилотлар ва улар тақдим этаётган товар ва хизматлар тўғрисида ахборот мавжуд. Сизни қизиқтирган пойтахт ва республикамизнинг минтақаларидаги ташкилотларнинг манзилларини осонлик билан топиш имкониятини беради.

Мой ГОРОД

YELLOW PAGES UZBEKISTAN

**Обуна маблағингизни тежайди!**

Маълумотларни **(8-371) 200-00-30, 244-44-29** телефон рақамлари орқали ва www.norma.uz сайтидан олиш мумкин

«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»

компанияси барча тадбиркорларни компания кооперация-кўргазмасининг доимий ишловчи экспозициясига таклиф этади.

Иш тартиби: душанба-жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.

Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6. Тел.: 244-39-47, 244-50-54.


Тошкент вилояти ҳокимлиги Ангрен шаҳар ҳокими, Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати

**Абдулла ЮНУСОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

"Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси" Тошкент вилоят Кенгаши Ангрен шаҳар ҳокими, O`zLiDeP сиёсий кенгаши аъзоси, Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати

**Абдулла ЮНУСОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ

ШАХМАТ

# НОДИРБЕК – ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

**Словениянинг Марибор шаҳрида 8-18 ёшли шахматчилар ўртасида давом этаётган жаҳон чемпионатида юзга яқин мамлакатдан 1,5 минг нафардан зиёд шахматчи дона сурмоқда.**

Саккиз ёшгача бўлган болалар мусобақасида Нодирбек Абдусатторов барқарор ўйин кўрсатмоқда. Ўз тенгқурлари ўртасида ФИДЕ рейтингида биринчи ўринни эгаллаб турган умидли спортчимиз дастлабки тўрт партияда украиналик Максим Горошков, финляндиялик Патрик Альто, америкалик Эрик Ванг ва ҳиндистонлик Адитья Вермани мот қилиб, пешқадамлар сафида бормоқда.

Жаҳон чемпионатининг тўртинчи турида яна олти нафар шахматчимиз рақибларини мағлубиятга учратди. Қора доналарда ўйнаган Юлия Хегай ва Баҳора Абдусатторова америкалик шахматчилар – Ирис Жоу ва Энни Жаони, ФИДЕ устаси Темур Игонин мисрлик Адҳам Фавзийни мот қилди. Оқ доналарда ўйнаган шахматчиларимиз – мамлакатимизнинг кўпкарра чемпиони Сарвиноз Қурбонбоева сербиялик Богдана Нонковидан, Асал Салимова Янги Зеландия вакиласи Оливия Донгдан, Алихон Гусейнов эса словениялик Нино Смордан устун келди.

ФИДЕ устаси Олег Артеменко ва польшалик Александр Кажмарек, Шаварш Бадалян ва қирғизистонлик Тоҳир Талайбеков ўртасидаги партияларда дуранг натижа қайд этилди.

**ЎзА.**

ФУТБОЛ

**Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Бирлашган Араб Амирликларида 19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионатида ярим финалга чиқиб, 2013 йили Туркияда бўладиган жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритди.**

# ЁШЛАРИМИЗ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА!

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида футболни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида мамлакатимиз футболчиларининг халқаро майдонлардаги ютуқлари салмоғи тобора ортиб бормоқда. Яқинда Эронда ўтказилган қитъа чемпионатида ғолиб бўлган ўсмирларимиз каби ёшлар терма жамоамиз ҳам жаҳон чемпионатига йўлланма олди.



Футболчиларимиз "С" гуруҳида Вьетнам, Иордания ва Корея Халқ Демократик Республикаси терма жамоаларини ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллаган ҳолда плей-офф босқичига чиқди. Чорак финалда бош совринга асосий даъвогарлардан ҳисобланган Сурия футболчилари билан рақобатлашди. Беллашувнинг 38-дақиқасида сурияликлар сардори Ҳамид Мидо ҳисобни очди. Орадан беш дақиқа ўтиб, терма жамоамиз тўпурари Игорь Сергеев жавоб тўпини киритди.

Биринчи бўлимнинг сўнгги дақиқасида ҳакам томонидан белгиланган пенальтини Маҳмуд Ал-Мавас аниқ бажариб, рақибларимизни яна ҳисобда олдинга олиб чиқди. 75-дақиқада Ихтиёр Тошпўлатов жамоадоши оширган тўпни боши билан дарвозага йўллаб, ҳисобни тенглаштирди.

Шу тариқа учрашувнинг асосий вақтида дуранг қайд этилди. Қўшимча таймларда ҳам ҳисоб ўзгармади. Пенальтилар сериясида омад футболчиларимизга кулиб боқди. Терма жамоамиз посбони Асилбек Омонов дарвозамизни дахлсиз сақлаган бўлса, Владимир Козак, Сардор Собирхўжаев ва Темур Ҳакимов пенальтини аниқ бажарди.

Ярим финал учрашувлари 14 ноябрь куни ўтказилади. Унда ёшлар терма жамоамиз финалга чиқиш учун Жанубий Корея футболчилари билан рақобатлашади. Иккинчи ярим финалда Ироқ ва Австралия ёшлар терма жамоалари ўзаро куч синашади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# «TOYOTA» АВТОМОБИЛЛАРИГА ТАЛАБ ОШМОҚДА

**Сўнгги ойларда Япониянинг "Toyota" корпорацияси молиявий аҳволи яхшилана бошлади. Жорий йил январь-июль ойларида унинг соф фойдаси 548,2 миллиард иенни (6,9 миллиард АҚШ долларига тенг) ташкил қилди.**



Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 81,5 миллиард иен эди.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, жорий йилда компания 4,52 миллион дона автомобиль сотган. "Toyota" йил охиригача маҳсулот сотиш ҳажмини янада ошириш ниятида.

**ЎзА.**

**"Истиқлол" санъат саройида "Марди майдон" жонли ижродаги қўшиқлар фестивали совриндорлари ва таниқли санъаткорлар иштирокида "Сени шарафлаймиз, Ўзбекистоним!" номли концерт бўлиб ўтди.**

# ВАТАН ҲАҚИДА КУЙЛАМОҚ БАХТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган мазкур концерт "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Terra Group" компанияси, Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори А. Ҳайдаров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий санъатимизни, жумладан, эстрада санъатини равнақ топтириш, юксак савиядаги қўшиқлар яратишни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёш ижодкорлар меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида аҳамият қаратилаётганини таъкидлади. "Марди майдон" жонли ижродаги қўшиқлар фестивали ҳам мазмун-моҳиятига кўра ана шу эзгу мақсадга йўналтирилган.

Ўтган вақт мобайнида фестивалда қатнашган кўплаб хонандалар ижодида юксалиш кўзга ташланмоқда.

– Мазкур фестивалда "Она юртим", "Ватан" сингари янги қўшиқлар билан иштирок этяпман, – дейди Нукус шаҳридаги маданият ва санъат коллежи ўқувчиси Сафарбой Шермонов. – Фестиваль устозлар маслаҳатидан баҳраманд бўлиш, санъат, саҳна ва томошабин олдидаги масъулиятни янада теранроқ ҳис этишимизда муҳим аҳамият касб этади.

Концертда таниқли санъаткорлар ва ёш хонандалар ижросидаги жонажон Ватанимиз, истиқлол, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимиз, беғубор туйғулар тараннум этилган қўшиқлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЯНГИ АСАРЛАР КЎРГАЗМАСИ

**Ўзбекистон Бадиий академиясида рассом Анорқул Бойбековнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган "Сир ва мусаввир" кўргазмаси очилди.**

Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда санъатшунослар, ижодкорлар ва журналистлар қатнашди.

Сирдарёлик рассом А. Бойбеков асарлари мамлакатимиздаги ва халқаро кўргазмаларда намойиш этилган. Унинг навбатдаги кўргазмасида 70 дан ортиқ акварелда ишланган манзара ва натюрморт жанридаги расмлари мухлислар эътиборига ҳавола қилинган.

– Ижодкор учун энг катта илҳом манбаи халқнинг бунёдкорлик салоҳияти ва қадриятлари, эришаётган ютуқларидир, – дейди рассом Анорқул Бойбеков. – Ўз асарларимда юртдошларимизнинг ҳаёт фалсафаси, бетакрор табиатимиз манзараларини ифодалашга ҳаракат қиламан.

Кўргазма 20 ноябрга қадар давом этади.

**ЎзА.**

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

# ОНА-БОЛА ҚЎШМАЧИЛАР

Одамзот пайдо бўлибдики, бирор касб-ҳунарнинг этагидан тутиб, оиласи, қўни-қўшнилари, маҳалласи, эл-юрти корига яраш, қўлидан келганича ҳиммат кўрсатиш ҳаракатида бўлади. Афсуски, айрим кўршапалакмижоз кимсалар ҳам мавжудки, қоронғу ва хилват кўчаларда тентираб, одамларни алдаш, фирибгарлик, ёлғон-яшиқ ишлар, хуфиёна ҳаракатлар билан кун кўриш, бойлик орттиришни касб қилиб оладилар. Оққўрғонлик Жавлон Зиёдов ҳам шундай "юлдузни бенарвон урадиган"лар тоифасидан чиқиб қолди.

Айрим кимсаларнинг қўйнига қўл солиб кўрса, худди лаққа балиқ сингари... Улар орасида, минг надоматлар бўлсинким, қандай қинғир йўллар билан бўлса ҳам, хорижга бориб, мўмай даромад топаман, деган ҳавойи хаёлда юрганлар ҳам оз эмас. Худди шу омил Жавлоннинг анчадан бери хаёлини чулғаб юрган жиноий режасини амалга оширишида қўл келган бўлса, не ажаб?

Инсон нафсининг қули бўлмасин экан. Бу бадгирдоб ўрамга илинган киши, ҳеч қандай жирканч ишдан, қабиҳликдан қайтмас экан. Шундай бўлмаса, жиноятга қўл ураётган чоғида энди йигирмадан ошган, уйланмаган, ҳаётнинг пасту баландини кўриб улгурмаган, шоирона айтганда, "энг гуллаган ёшлик чоғида" ўқиш, ўрганиш, ташаббус ва яратувчилик иштиёқида ёнадиган йигит ёш-яланг қизларни хорижга олиб чиқиб, қўшмачилик билан шуғулланишга қўл урармиди?

Қабоҳатни қарангки, Жавлоннинг бу йўлдаги энг яқин ҳамтовоғи... ўз онаси бўлди. Малика Зиёдова (айни пайтда унга нисбатан қидирув эълон қилинган) ўғлининг бу жирканч йўлдаги барча режаларини нафақат қўллаб-қувватлади, балки "бош роль" ижрочиси ҳам бўлди. Қаватига Бўка туманида яшовчи таниши Қутбиниса Алиқуловани олдию, (жиноят ишининг Қ. Алиқуловага нисбатан қисми алоҳида иш юритувида мазмунан кўрилиб, суд ҳукми чиқарилган) аввалдан тузилган жиноий режани уддалашга киришди. Жиноий гуруҳ наздида "операция" қанчалик мураккаб бўлса, шунчалик даромадли ҳам эди. Негаки, "навниҳол"ларнинг бир лаҳзалик "нархи" Бирлашган Араб Амирликларида қанча туришини улар обдон ўрганишганди...

* * *

– Қизалоқ, Тошкентда савдо-сотиқ қилишни хоҳлайсанми?

Қутбиниса Алиқулованинг бўкалик таниши, асли руҳий касал бўлган Зилола Саидpraванинг олдига бориб, (жабрланувчиларнинг исм-шарифлари айрим мулоҳазаларга кўра ўзгартирилди) унинг 12 ёшли қизи Нигора Алимовани кўрди-ю, тилидан шу гап учди. Негаки, Нигора ҳар қанча ёш, ҳаётда ҳали кўп нарсани тушунмайдиган ғўр бир қиз бўлмасин, нафси аммораси ҳаккалак отган қўшмачининг кўзига нақ оловнинг ўзгинаси бўлиб кўринди. Одамни таажжубга соладиган ери шуки, Қутбиниса Нигоранинг ҳали вояга етмаганини, унинг келгусида қандай жирканч тавқи лаънатлар кутаётганини аниқ билгани ҳолда, ҳийла ва алдов йўли билан олиб кетиб, жиноий шериклари қўлига топширди. Қалбида заррача раҳм-шафқати бўлмаган, инсонийлик қиёфасини буткул йўқотган Малика Зиёдова эса, ҳеч ўйлаб ўтирмай, ҳузурига келтирилган "ўлжа"ни турли қинғир йўл ва сохта ҳужжатлар билан Тошкент халқаро аэропорти орқали Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрига олиб кетди. Ваҳоланки, унинг ҳузурига келтирилганда Нигоранинг ёнида ҳатто туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси (!) ҳам йўқ эди...

Жавлон онаси етовидаги қизчани Дубайнинг ўзида кутиб олди. Ҳали ҳеч нарсани тушуниб етмаган Нигора шаҳарнинг "Дера парк" кўчасида жойлашган икки хонали ижара уйга жойлаштирилгач, кўрарини кўрди.

* * *

Ўшанда 2007 йилнинг кеч куз ойлари эди. Ғурур ва ор деган инсоний фазилатлардан мутлақо бенасиб бўлган Жавлон ҳали Дубайнинг иссиқ-совуғига ҳам кўникиб улгурмаган Нигорани шаҳарнинг хилват гўшаларида жойлашган меҳмонхоналардан бирига олиб бориб, араб миллатига мансуб шахсга муайян моддий қиймат эвазига кўнгилхушлик учун сотишдан уялмади. Зор-ночор қолган 12 ёшли қизалоқнинг номуси отаси тенги одам томонидан топталди. Бу жирканчликдан Жавлоннинг ўзи ҳам четда турмади – Нигоранинг қаршилигига қарамай нафсига эрк берди...



Бўлар иш бўлгач, Нигорага вазиятни обдон тушунтиришди. Унинг олдида бошқа йўл қолмаганини, очликдан ўлмаслик, бегона юртнинг қоронғу ва хилват кўчаларида итдек хор-зор бўлмаслик учун тақдирга тан бериши, фоҳишалик қилиб, она-боланинг етовига юриши лозимлигини қатъий бир оҳангда уқтиришди. Шу бўлди-ю, 2007 йилнинг ноябридан 2008 йилнинг май ойларига қадар Нигора жонсиз бир қўғирчоққа айланди-қолди. Шу муддат орасида у деярли ҳар кунги оқшомни араблар оғушида ўтказишга маҳкум қилинди. Дастлабки терговда аниқланишича, она-бола қўшмачилар Нигоранинг бир соатлик "хизмат"и учун арабий жанoблардан 100-200 АҚШ долларигача ҳақ олиб туришган.

Афсуски, Нигора бошига бундай шармандали мусибат тушган ягона қурбон эмасди. Жиноий фаолиятини давом эттирар экан, уюшган гуруҳ энди иш кўламини янада кенгайтириш пайига тушди. Бунинг учун эса турган гапки, гулдек нозанинларни қармоққа тушириш лозим эди.

Жавлоннинг навбатдаги кўрсатмасига биноан унинг жиноий шериги Қутбиниса Алиқулова бу сафар ҳам "ўлжа"ни Бўкадан топди. Аниқроғи, 2008 йилнинг ноябрь ойларида яна бир таниши Манзура Ҳақбердиевани туман марказий бозорида учратиб қолди-ю, навбатдаги ови ҳам бароридан келаётганини пайқади. Негаки, гап орасида Манзура яқиндагина қизи турмушидан ажралиб келганини, ҳаётини изга солиши учун яхшироқ иш топиши ва ўзини ўзи моддий жиҳатдан таъминлаши лозимлиги ҳақида куюниб ҳасрат қилди.

Қутбиниса, ростини айтганда, бу сафар ниятини яшириб ўтирмади. Унинг рўпарасидаги нотавон аёл ҳам қизининг бундай йўлларга кириб пул топишига ҳеч бир қаршилик қилмади. Гўёки йўқ бойликка чув тушди. Шундай қилиб, "уч ойда 15 минг "кўки"дан топиши мумкинлигини" эшитган Манзуранинг қизи Дилнавоз Исматова ҳам "ҳожатбарор" опасига эргашиб, Амирликка жўнаворди.

Нигора ва Дилнавозларнинг аянчли қисмати тўйтепалик Зулайҳо Қурбонова, бўкалик Гулноза Суярова, олмалиқлик Намуна Жабборова каби ўзбек қизларини ҳам ўз домига олди. Бу қизларнинг ҳаммаси ҳам гўёки ойига 500-600 АҚШ долларилик маош олишлари мумкинлигига қизиқиб, ол, деса олахуржунини кўтариб чопган лақмадек, ўзга юртда хорлик ва зўрликка ҳукм этилдилар.

Суд мажлисида Жавлон Зиёдов шунча қилғиликни қилиб ҳам минг бир тусда товланиб, ўзига қўйилаётган бор айбловларни мутлақо инкор этди. Бу кишимнинг гапларига кўра, улар салкам фариштанинг ўзгинасилар! Негаки, Бирлашган Араб Амирликларида "ўз шахсий тижоратларига эгалар-у, юмушлари ҳалолу пок савдо-сотиқ". Шундай бўлгач, даромадлари керагидан ҳам яхши-ю, бундай кир ва қабиҳ иш билан бойлик топишдан, ҳатто, ҳазар ҳам қиладилар. Жабрланувчиларни-ку, кўрмаганлар ва танимайдилар ҳам... ва ҳоказо.

Одил судда Жавлоннинг бундай таги пуч эътирозларига ҳуқуқий баҳо берилар экан, уларнинг ҳаммаси содир этилган жиноятни хаспўшлаш, айбни енгиллатиш, пировардида, судловни чалғитиш учун атайин ўйлаб топилган важ-корсонлар, деб топилди ва тўла рад этилди. Шу билан бирга гувоҳларнинг ҳар бир кўрсатмалари ҳамда ишга алоқадор барча далиллар синчиклаб ўрганилди, бирма-бир тарозуга солинди.

Ниҳоят, ҳукм ўқилди. Зиёдов Жавлон Турабекович Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг қатор моддалари билан айбдор деб топилди ва 15 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Мана, сизга, енгил-елпи бойлик орттириш, ўзгалар ор-номусини топташ, кўра била туриб қабоҳат ва разолатга шерик бўлишнинг оқибати. Жавлон озодликка қайтганда, ёши ҳам анча улғайиб, сочларига оқ оралар, ақлу шуури бир қадар равшан тортар. Ўшанда, эҳтимол, бугунги гул ёшликнинг давру давронлари энди ҳеч қачон қайтмаслигини, шундай бебаҳо бойлигини жуда арзон-гаровга сотиб юборганини тушуниб етар ҳам.

Аммо, бу билан нима ўзгаради, энди?

**Асил БЕКМУРОДОВ.**

НИГОҲ

# АФЮН ҚИРҒИЗИСТОНГА ҚАНЧАГА ТУШАЯПТИ?

**Дин халқ учун афюн деганларида жон бор. Экспертларнинг тахмин қилишларича, турли секта ва шу каби диний оқимлар асосчиларининг даромадлари наркобизнесдан тушадиган фойдадан кам эмас. Бунга мисоллар кўп. Гробовой исм-шарифли кимсани эсланг. У Бесландаги мактабда амалга оширилган террорчилик актида ҳалок бўлган болаларни тирилтиришни ваъда қилган эди. Қамоққа олингандан сўнг уйидан топилган маблағлар Москванинг кўраверib кўзлари пишиб кетган нуфузли терговчиларини ҳам даҳшатга солди.**

Дарвоқе, бу онда-сонда бир учраб турадиган ҳодиса эмас. Ишонч ҳосил қилмоқчи бўлсангиз, маҳаллангиздаги мулланинг уйига кириб кўринг. У оддий, ҳалол-пок диндорлардан бўлмаса керак ҳойнаҳой. Табиийки, катта пул айланган жойда жиноятчилик ҳам, албатта, ҳозиру нозир бўлади. Айниқса, унинг энг хавфли, энг такомиллашган тури – коррупция.

Яна бир муҳим гап. Чет эл махсус хизмати фаолиятини ҳам шу тоифага киритиш мумкин. "Ҳизб ут-Таҳрир", "Таблиғи жамоат" сингари қатор диний-экстремистик ташкилотлар айнан чет эл разведка органларининг "жужуқ"лари эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Уларнинг Қирғизистондаги фаолияти маҳаллий ҳокимият ва очиқ диний институтлар билан яқин алоқада гуркираб ривожланаётгани ҳам энди ҳаммага маълум.

Далилларга мурожаат қилайлик. "Таблиғи жамоат" оқими вакиллари республика муфтиятининг расмий рухсати билан Жалолобод вилояти Сўзак тумани аҳолиси орасида ўз ғояларини бемалол тарғибот-ташвиқот қилмоқдалар. Жумладан, Чуй вилоятининг Аъламиддин туманидан Дилмурод исмли кимса бошлиқ тўрт кишидан иборат "таблиғчи" гуруҳ Сўзак қишлоғига келди. Улар туманнинг жоме масжидига жойлашиб олишиб, уйма-уй юришиб, қишлоқ аҳлини шариат аҳкомларига тўла амал қилишга даъват этдилар.

"Ҳизб ут-Таҳрир" аъзолари ҳам айнан шу Сўзакда қизғин ҳаракатдалар. Хусусан, оқим ўчоғи етакчиси эллик ёшли Эркин Қирғизбоев маҳаллий даражага қиёсан анча саводли. Негаки, у араб тилини мукаммал эгаллаган ва шу боис маҳаллий аҳоли ўртасида обрўси баланд. У қўл остидаги ўн чоғли ёрдамчилари кўмагида "Ҳизб ут-Таҳрир" сафига янги аъзоларни зўр бериб жалб этмоқда. Экстремистлар муваффақиятга эришаётганининг сабабларидан бири, балки, шудир. Зеро, улар маҳаллий ҳокимият вакилларига нисбатан анча саводли ва ақллилар. Жойлардаги амалдорлар умумий ўрта таълимни ҳам чала-чулпа эгаллаганлари боис билим ўрнига муғомбирликни ишга солиб, пора олиш билан бандлар.

Нимасини айтасиз! Марказий диний ҳокимиятнинг ўзи бебилиска даромад ва ёғли жойлар учун кураш билан овора-ку!

Масалан, муфтийнинг республика жанубидаги собиқ муовини Убайдулло ажи Сарибоев ёғли мансабидан четлатилганидан норози бўлиб, Қирғизистон муфтийси Чубак ҳожи Жалиловни обрўсизлантирувчи маълумотлар тўплаб юрибди. Ва бу нопок саъй-ҳаракати зое кетмаяпти. У бутун бошли жиноий ишларни кавлаб топди. Аниқланишича, республика муфтийси ўзининг Ўшдаги шериги Шароф Жамолиддинов билан бирга ғирром тижорат йўли билан қарийб бир миллион АҚШ доллари ишлаб олибди. Бу икки ҳамтовоқ Туркияга зиёратга бориш учун бериладиган квоталарнинг 200 дан кўпроғини таниш-билишчилик йўли билан ҳар бирини 4-4,5 минг доллардан сотиб юборишипти.

Адолат юзасидан таъкидлаш жоизки, Убайдулло ҳожи Сарибоев бу хатти-ҳаракатни яхши ният билан қилгани йўқ. Ахир ундан айнан шундай йўл билан қаллоблик қилиш имкониятини тортиб олишган эди-да! Сарибоевни яхши биладиган кишиларнинг айтишича, у маҳаллий "обрўли жиноятчи" Жанирбек билан яқин алоқада.

Юқорида Туркияни тилга олганимиз боис унинг Қирғизистонга бўлган юксак "диққат-эътибор"ига чуқурроқ назар ташласак ўринли бўлади. Бу мамлакатнинг турли диний ташкилотлари, айниқса, унинг разведкаси билан алоқадор бўлганлари Қирғизистон жанубида мустаҳкам ўрнашиб олдилар ва амалдорларга грант ва пора узатишда хасислик қилмаяптилар.

Бир мисол. "Туркия диёнат Вақфи" диний фонди вакиллари Ўш давлат университетининг диний (илоҳият) факультетини турк диний арбобларининг оргтехника ва адабиётлари билан таъминладилар. Бу ҳам етмагандек, ўша фонд яқинда университет базасида интернетхона очмоқчи. Бу бизнинг талабаларимизни энди он-лайн тартибида сеҳр-жоду қилишади деганидир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бизнинг ватандошларимиз онгини забт этиш (тўғрироғи – заҳарлаш) учун жиддий кураш бораяпти. Шуниси алам қиладики, бизнинг қўли эгри амалдорларимиз ўз халқига нисбатан хоинларча ҳаракат қилмоқдалар. Бу Қирғизистоннинг тараққиётига тўғаноқ бўлибгина қолмай, яқин келажакда суверенитетини ҳам бутунлай йўқотишига олиб келиши мумкин бўлган жиддий хавфдир. Агар бунга қарши қатъий курашилмаса, шундай фожиа юз бериши, шубҳасиз.

**Қуролбек НОРИМБОЕВ.**
**www.paruskg.info.**


ЭЪЛОНЛАР

Юнусобод тумани ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2009 йил 8 сентябрдаги 005015-10-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган "BIG STAR LIGHT" масъулияти чекланган жамиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "BIG STAR LIGHT" нодавлат таълим муассасасига айлантирилиши муносабати билан даъволар (+99893) 540-45-11 рақамли телефон орқали қвбул қилинади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти Кучкаров Жаҳонгир Баходировичга 2012 йил 17 июлда берилган 38-сон билан рўйхатдан ўтказилган хизмат гувоҳномаси ҳамда Абдуназаров Ғайрат Кучкаровичга 2012 йил 28 июнда берилган 07-сон билан рўйхатдан ўтказилган хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Бўка агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи томонидан 2012 йилда Эрматов Тошпўлат Анорбой ўғли номига берилган (т/р 2943) К № 2669357 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳри Ҳамза тумани ТСРЎИ томонидан 2012 йил 24 октябрда 004132-07-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган "SHARQ TAOM DURDONASI" масъулияти чекланган жамиятига аввал Тошкент шаҳри Ҳамза тумани ТСРЎИ томонидан 2007 йил 4 майда 001403-07-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган "UMID YILI" хусусий корхонаси қўшилади ҳамда "SHARQ TAOM DURDONASI" масъулияти чекланган жамияти "UMID YILI" хусусий корхонасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Даъволар бир ой муддат давомида 912-59-94 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ООО агрофирма "MPS-AGRO" сообщает об уменьшении уставного фонда с 1 486 796 680 сум до 7 100 000 сум. Претензии принимаются по тел.: 961-06-13.

Ранее опубликованное объявление в газете "Вечерний Ташкент" за № 186 от 10.09.2012 г. о ликвидации ООО "AURORA MANAGEMENT" (ИНН 301927284), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства Шайхантахурского района г. Ташкента за реестровым № 005072-09 от 01.04.2011 г., юридический адрес: 100200, ул. Писателей, д. 24 (в связи с протоколом учредителей ООО "AURORA MANAGEMENT" № 6 от 12.11.2012 г.). ООО "AURORA MANAGEMENT" сообщает о возобновлении деятельности ранее опубликованное объявление **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.** Тел.: 244-84-83.

"ALIZODA" МЧЖ ўзига тегишли бўлган "Ласетти" русумли енгил турдаги автомобиль сотилишини маълум қилади. Тел.: 546-90-09.

Совместное предприятие "PEGAS SARMOYA GURUH" в форме общества с ограниченной ответственностью, зарегистрированное Управлением Юстиции Ташкентской области от 28.10.2010 г., за реестровым № 189, ИЗВЕЩАЕТ об уменьшении уставного фонда предприятия с 1260000 (один миллион двести шестьдесят тысяч) долларов США на 1236343,13 (один миллион двести тридцать шесть тысяч триста сорок три) доллара США 13 центов в соответствии с протоколом общего собрания участников № 1.

Утерянный диплом МТ № 987190, выданный в 1990 году САМПИ қошидаги тиббиёт билим юрти на имя Улухановой Ларисы Хайдаровны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Сергели туманидаги 304-ўрта умумтаълим мактаби томонидан 2003 йилда Садыкова Камола Абдуманноновна номига берилган U № 0422677 рақамли 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1142. Адади 6847. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40. 12345